Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 16 июн жума

Сотувда эркин нархда

№ 115 (2412)

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***ДУШАНБЕ, 15 июн. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:***

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди.

Тожикистон президентининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтақавий муаммолар ва бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг музокараларида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзолади.

Ислом Каримовнинг Душанбе шаҳри зиёлилари ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**(ЎзА)**




*«Ғалла — 2000»*

## КОНИМЕХ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Конимех тумани меҳнаткашлари жорий йилда ғалладан мўл ҳосил етиштиришди. Натижада Навоий вилоятида биринчи бўлиб давлатга дон топшириш йиллик шартнома режасини ошириб бажаришди. Мавжуд 2400 гектар майдоннинг 1400 гектаридаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Давлат омборларига режадаги 4697 тонна ўрнига 4790 тонна сара дон топширилди. Ёки ҳар гектардан 42 центнердан ҳосил кўтарилди.

Муваффақиятда Ҳамид Олимжон номли, «Шўркўл», «Чордара» ширкат хўжаликлари ҳамда 60 дан зиёд фермер хўжаликларининг ҳиссалари катта бўлди. Туманда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Далаларда 5 та «Кейс» комбайнлари куну тун тинимсиз ишлатилиб, ҳар бири билан суткасига 35-40 гектардан бошоқли дон экинлари йиғиштириб олинаётир. Ғаллакорлар давлатга режага қўшимча яна 900 тонна дон топшириш ниятидалар.

*Ҳамкорлик*

## ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

«Бухоро-нон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жорий йилнинг ўзида 20 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

– 500 нафар ишчидан таркиб топган жамоамиз 32 турдаги нон, 8 турдаги макарон ва 20 турга яқин макарон маҳсулотларини замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, – дейди корхона раҳбари Мансур Восиев. – Германия ва Россия фирмаларидан келтирилган серунум дастгоҳлар иш суръатига суръат қўшмоқда.

Корхонада ўтган йили 206,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 390 ,6 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 80 фоизни ташкил этади.

*Семинар*

## КЕНГАШИБ ОЛИНДИ

Кеча Жиззахдаги вилоят Маънавият ва маърифат уйида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Fidokor» газетаси мухбири саволларига жавоблари юзасидан илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ҳокимлик вакиллари, ўқув юртларининг маънавият ва маърифат бўйича шуғулланадиган мутасаддилари, кутубхоналар мудирлари, матбуот ходимлари иштирок этдилар. Бу эса семинарнинг ишчан, ўзаро савол-жавоблар ва мунозаралар руҳида ўтишини таъминлади.

Семинар қатнашчилари «Маънавият-маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари, профессор Ўрол Носиров, мустамлака даврида қатағон бўлганлар хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш республика ишчи гуруҳи ҳамда жамғармаси раиси, республика маърифатпарварлар жамияти раиси Наим Каримов, республика Вазирлар Маҳкамаси атамашунослик қўмитаси раиси ўринбосари Ҳабибулла Бектемировларнинг чиқишларини, айниқса, катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

Семинарда бундай анжуманларни барча шаҳар; туманларда, корхона ва ташкилотларда ўтказиш, мулоҳаза, мунозараларни кенг оммага етказиш лозимлиги қайд этилди.

*Тадбиркорлик*

## ҚАДОҚЛАНГАН ҚУРУҚ МЕВАЛАР

Хатирчи тумани деҳқонлари қуруқ меваларни қадоқланган ҳолда экспорт қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Туман маркази — Янгиработда Греция давлати ҳамкорлигида ишга туширилган «Алмега-М» кичик корхонаси асосан қуруқ меваларни қадоқлаш ва уни экспорт қилишга ихтисослаштирилган.

Айни пайтда корхонада Тошкентдаги «УПМ Савдо» фирмаси буюртмасига асосан ўрик,. ёнғоқ ва тузланган ерёнғоқ қадоқланмоқда. Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми хорижга экспорт қилинаётир.

*Тараддуд*

## БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳридаги 56 та маҳалла фуқаролар йиғинларида республикамиз мустақиллигининг тўққиз йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин бораяпти.

— Ҳар бир маҳалланинг амалга ошириладиган ишлари аниқ белгилаб берилган, — дейди туман маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси А. Элмуродов. — Наврўз байрамида 200 та кам таъминланган оилага 360 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилганди. Истиқлол байрамида ҳам бундай эзгу тадбирлар давом эттирилади. Шу пайтга қадар 50 та маҳаллада маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилиб, улар тўла жиҳозланди.

*Спорт*

## ОЛДИНДА — ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ

«Динамо» жамиятининг 16 спортчиси бугунги кунгача Сиднейда ўтадиган Олимпия ўйинларига йўлланма олди. Улар дзюдо, эркин кураш ва бокс бўйича мустақил Ўзбекистонимиз спорт шарафини ҳимоя қилишади.

Республикамиз Президенти И. Каримовнинг Олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сиднейда ўтадиган XXVII олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги фармони олимпиячиларимиз руҳини кўтариб юборди. «Динамо» жамияти тарбияланувчилари – боксчилар Тўлқинбой Турғунов, Дилшод Йўлдошев, Алишер Раҳимов, эркин кураш бўйича Атҳам Очилов, Рамил Исломов, Руслан Хинчагов, дзюдочилардан Армен Богдасаров, Абдулло Тангриевлар Олимпиада беллашувларига муносиб тайёргарлик кўришмоқда.

**«Халқ сўзи» ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## СУРХОНДА УЗУМ ПИШДИ



*«Навбаҳор» ширкат хўжалиги Музрабод туманининг шимолий қисмида Кўҳитанг тоғи этагида жойлашган. Хўжаликда 1454 гектар ер ўзлаштирилган бўлиб, сувни Шеробод каналидан насослар орқали олади.*

*Шунга қарамай хўжаликда ҳар йили қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида мўл ҳосил етиштирилади.*

*Айни кунларда ҳам хўжаликда ғўзага ишлов бериш, ғалла ўрими билан бир қаторда 6 та звенога бўлиб берилган узумзорларда иш қизғин.*

*Звено аъзолари ҳозиргача узилган 70 тоннага яқин узумни Кўҳитанг тоғида жойлашган «Беш булоқ» болалар оромгоҳига бердилар. Эндиликда эртаки узум вилоят бозорларига сотиш учун чиқарилмоқда. 24 нафар звено аъзоларининг ҳар бири ўтган йилда 100 минг сўмдан иш ҳақи олишган эди. Бу йил узумзорларда ҳосил чўғи ўтган йилгидан анча баланд, иш ҳақи шунга яраша бўлади.*

**СУРАТДА: звено ишчилари Малоҳат Мўминова ва Матлуба Тўраевалар.**

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## ҚУЛАЙ ДАСТГОҲЛАР ТАДБИРКОРЛАРГА

Гулистон шаҳрида хусусий тадбиркорлар учун мини технологиялар ва ишлаб чиқариш ускуналари савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Уни Республика бизнес инкубатори, Гулистон шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси уюштирди. Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг бешта ҳудудида ўтказиладиган кўргазма дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичидир.

Савдо кўргазмасининг асосий мақсади тадбиркорларни кичик ва ўрта бизнес корхоналарида замонавий ихчам ускуналар ва мини технологиялардан фойдаланиш имкониятлари билан таништиришдир. Кўргазмада мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган 50 га яқин турли техникалар намойиш этилди. Тадбиркорларда "ПГС" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Вольфсон Шарқ Интерпрайзес" қўшма корхонаси ва "ТЭКиК" кичик корхонаси маҳсулотлари катта қизиқиш уйғотди.

Тадбиркорлар савдо кўргазмасида керакли техникаларни сотиб олиш имкониятига ҳам эга бўлишди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш, қайта ишлаш, тайёрлаш ҳамда қадоқлаш мини цехлари ва заводларини етказиб бериш бўйича кўплаб шартномалар тузилди.

**(ЎзА)**




## ОҚОЛТИНЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

**Сирдарё вилояти Оқолтин туманининг пиллакорлари давлатга пилла топшириш буюртмасини бажаришди. Қабул пунктига 22,5 тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хомашёси жўнатилди.**

**"Фарғона", Тоиров номли, "Барлос" ва Р.Мусамуҳамедов номли хўжалик пиллакорлари умумий муваффақиятга улкан ҳисса қўшишди.**

**Туманда энг яхши пиллакор унвонига "Фарғона" ширкат уюшмаси аъзолари М.Суронова, С.Комилова, М.Матқобилова ҳамда "Сардоба" хўжалиги аъзолари Б.Тўйчиева, Х.Тожибекова ва М.Матиева сазовар бўлди. Улар ҳар бир қути қурт уруғидан 75-85 килограммдан пилла олишга эришди.**

**Пилла топшириш давом этмоқда.**

**Тўлқин АҲМАДАЛИЕВ, ЎзА мухбири.**

## ЛИЦЕЙДАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА

**Қарши тасвирий ва амалий санъат лицейининг ўқувчилари 1998 йил Чехия Республикасида ўтказилган «Лидице-99» болалар ижодиёти халқаро кўргазмасида иштирок этиш учун таклифнома олган эдилар.**

Ўтган йил февралда рамзий «Тошкент-Лидице-99» болалар расмлар кўргазмасида мазкур лицейнинг 11 нафар ўқувчиси қатнашганди. Шундан 9 нафарининг иши юқори баҳоланиб, Чехияга юборилганди. Яқинда Ўзбекистон Бадиий академиясидан хушхабар келди. Маълум бўлишича, 4 ўқувчи — Маъсуд Холов, Шуҳрат Суяров (ҳозир улар республика Рассомлик ва дизайн коллежи талабалари), Мақсуд Содиқов, Шерзод Норматовлар кўргазма дипломлари ва медаллар билан тақдирланишган.

Ёш мусаввирларнинг ижод маҳсули Чехия Республикасида, Софиядаги Чехия маданият марказида ва Бухарестдаги кўргазмаларда намойиш этилган. Энг асосийси лицей «Роза-Лидице» медалига ва дипломга лойиқ кўрилган.

**Мунира СОАТОВА.**

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида "Халқаро шартномалардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этиш" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раислари, олимлар, мутахассислар қатнашди.

Олий хўжалик суди ва Британиянинг "Ричард Батлер" фирмаси Республика Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарни олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Анжуманда Британиянинг "Ричард Батлер" фирмаси ҳамкори Жон Эммот, шу фирма ходими Анжелика Осипова ва бошқаларнинг Халқаро шартномалардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш, халқаро арбитражнинг турлари, Ўзбекистонда арбитраж ҳуқуқи, арбитражлар қарорлари каби мавзулардаги маърузалари тингланди. Уларда халқаро шартномалардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишнинг ягона тартиби ўрнатилишига, унга томонлар қатъий равишда риоя этишига эришиш зарурлигига эътибор қаратилди. Халқаро тижорат арбитражлари фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА)**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• Финляндия Бош прокурори Матти Кусимаки ва унинг хитойлик ҳамкасби Хан Чжубин икки мамлакат прокуратуралари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолади. Ушбу ҳужжатга кўра, томонлар соҳа бўйича ўзаро кадрлар тайёрлайди ва мунтазам ахборот алмашиб боради.***

***• Россия ҳукумати таклифига биноан, 21 июн куни Бразилия вице-президенти Марку Масиэла ўзаро ҳамкорлик бўйича Бразилия-Россия қўшма комиссиясининг биринчи мажлисида иштирок этиш учун Москвага келади.***

***• Жазоирда 33-халқаро иқтисодий кўргазма очилди. Унда 36 мамлакатдан 1300 корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Халқаро кўргазмада қишлоқ хўжалик техникаси, маиший техника жиҳозлари, енгил саноат ва бошқа халқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш этилмоқда.***

***Кўргазма 24 июнга қадар давом этади.***

***• Украина президенти Леонид Кучма бошчилигидаги ушбу мамлакатнинг ишбилармонларидан иборат делегация аъзолари амалий ташриф билан Кубага келди. Ташриф давомида Л.Кучма Куба раҳбари Фидел Кастро билан учрашув ўтказади.***

***• Колумбиянинг Картахена шаҳрида "Рио-де-Жанейро гуруҳи"нинг олий даражадаги XIV учрашуви очилди. Ушбу гуруҳга Лотин Америкасидаги 19 давлат киради. Саммитда 16 мамлакатдан президентлар иштирок этмоқда.***

***• Ўтган ҳафта давомида Эроннинг Язд вилояти наркотик моддалар тарқалишига қарши кураш бошқармаси ходимлари 1,7 тоннадан зиёд оғуни қўлга олди.***

*Прокуратура фош этади*

## БУҒДОЙ ЎҒРИЛАРИ

Ноннинг ушоғи ҳам нон, шунинг учун ерда ётган ушоқни кўрган киши уни қўлига олади. Чунки ризқни ерда қолдириш гуноҳи азимдир. Шундай экан, айни вақтда ғаллазорларда етилиб турган донни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда уюшқоқлик билан ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида»ги қарорида ҳам ана шу мақсадлар кўзда тутилган. Лекин шу ўринда айтиш жоизки, республика прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширишларда бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганлиги ачинарли ҳолдир. Гапларимизга ойдинлик киритиш учун мисолларга мурожаат қиламиз. Бошқаларни қўя турайлик, айрим раҳбарларнинг йўл қўйган хатолари ҳам кўпчиликни таажжубга солмоқда. Жумладан, ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда Қашқадарё вилояти штаби раҳбари — вилоят ҳокимининг қарорида далада ўрилаётган донни қуритмасдан ва тозаламасдан тўғридан-тўғри дон тайёрлов корхоналарига топшириш кўрсатилган. Ушбу қарор ҳукумат топшириғига зид бўлганлиги сабабли вилоят прокуратурасининг протести билан бекор қилинди.

Текширишларда аниқланишича, айрим тайёрлов корхоналари ва хўжаликлар, ғалла ўрим-йиғимига жалб қилинган бошқа мутасадди корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ўзларига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганликлари, ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб, ташиш ва сақлаш билан шуғулланаётган ходимлар ўртасида етарли даражада тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги туфайли, дон маҳсулотларини ўзлаштириш ҳоллари содир этилмоқда. Қумқўрғон тумани прокуратураси томонидан ўтказилган тадбирлар давомида «Олтин бошоқ» дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси қоровуллари Ш.Шодузов ва А.Норбоевлар 30 майдан 31 майга ўтар кечаси 16 қоп — оғирлиги 800 килограмм буғдойни Й. Шодузовга тегишли бўлган давлат белгиси 19 В 62-06 «ВАЗ-2106» русумли автомашинада корхона ҳудудидан олиб чиқиб, «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалиги, «Оқжар» маҳалласида яшовчи Ч.Қурбоновга ҳар бир килосини 60 сўмдан сотганлиги аниқланган. Ёки Нишон тумани, «Оқ олтин» жамоа ширкат хўжалигининг ҳайдовчиси О.Муҳаммадиевни олайлик. У назоратсизликдан фойдаланиб, 63000 сўмлик 3140 килограмм буғдойни ўз уйига туширган.

Навоий вилояти ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлимидан ғалла ўрим-йиғимига сафарбар қилинган ички хизмат оддий аскари Д.Бақоев 2000 йил 9 июн куни Навбаҳор тумани «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги ғалла ўрилаётган майдонда Бешработ қишлоқ фуқаролар йиғини халқ посбони У.Раимов ва комбайн ҳайдовчиси Д.Пўлатовлар жиноий тил бириктиришади. Оқибатда комбайн бункеридан нархи 16000 сўмлик 320 килограмм буғдойни олиб, ВАЗ-2101 русумли Г 76-00 НВ давлат белгили автомашинада уйларига олиб кетаётган вақтида кирдикорлари фош этилган.

Ғалла етиштирувчи айрим бригадалар ва фермер хўжаликлари бошлиқлари, пудратчилар ва ғалла ўрим-йиғимига жалб қилинган ишчи-хизматчиларга нисбатан назорат ҳамда талабчанликнинг сусайтириб юборилганлиги туфайли тайёрлов корхоналарига ғалла сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмасдан буғдой донини ўзлаштириш ҳолларига йўл қўйилган.

Қизириқ туманидаги Х. Эшонов номли жамоа хўжалиги пудратчиси А.Аноровнинг «иши» ҳам осон кўчди. Унинг ғаразли таклифи комбайн ҳайдовчиси Ҳ.Рўзиевга маъқул тушади. Комбайнчи 1470 килограмм буғдойни О.Тожиев бошқарувидаги Т.28х4 русумли трактор тележкасига тўкади ва уни Аноровнинг ҳовлисига келтириб қўйишади.

Туман прокуратураси томонидан А.Аноровнинг ҳовлисидаги 1470 килограмм буғдой далилий ашё сифатида олиниб, унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозир у эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Андижон вилояти, Избоскан тумани Н.Жўраев номли жамоа хўжалиги, Чувама қишлоғида яшовчи ҳамда шу жамоа хўжалигида ижарачи бўлиб ишловчи Э.Турғунов ҳам инсофини йўқотиб қўйди. Акс ҳолда хўжаликнинг 6-бригадасидаги буғдойзордан 283 килограмм буғдойни ўриб, ўғирлаб кетмаган бўларди.

Олтиариқнинг «Пахтаобод» ширкат хўжалиги ижарачиси Қ.Ортиқовнинг саргузашти ҳам Турғуновникидан қолишмайди. У 30 майдан 31 майга ўтар кечаси 6794 сўмлик 285 килограмм буғдойни ўз манфаати йўлида ўзлаштириб юборади.

Хатирчи туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи Ғ.Ёқубов хўжаликнинг ғалла майдонидан 180 килограмм 13500 сўмлик ғаллани ўғирлаб яхши иш қилдим, деб ўйлаганди. Афсуски, прокуратура ходимлари унинг бундай сеҳргарлигини батафсил таҳлил қилишга киришганида ортиқча «ғайрат» кўрсатганлигини тушуниб қолди.

«Навоийвилоятдонмаҳсулотлари» акциядорлик уюшмасида ўтказилган текширишда Хатирчи туманидаги «Боғчаикалон» ширкат хўжалиги, Навоий туманидаги «Нарпай», Ибн Сино ва К. Мусаев номли хўжаликлардан 11 та юк автомашинасида давлатга сотиш учун келтирилган доннинг намлик ва ифлосланиш даражаси 19-22 фоизни ташкил этиши аниқланган ва ушбу маҳсулотлар қабул қилинмасдан хўжаликларга қайтариб юборилган. Айнан шунга ўхшаш донни намлик ва ифлосланиш даражаси давлат стандартларига белгиланган меъёрлардан юқори бўлган ҳолда қабул қилиш пунктларига топшириш вилоятнинг Хатирчи туманидаги А.Ёрлақабов ва А.Ҳалимов номли ширкат хўжаликлари ҳамда Навбаҳор туманидаги «Дўстлик», «Учтут», «Зарафшон», «Янги ҳаёт» ва «Гигант» хўжаликлари,шунингдек Навоий туманидаги Ал-Бухорий номли жамоа хўжаликларида йўл қўйилганлиги аниқланган. Бундай ҳолатларни келтириб чиқарган хўжаликлар раҳбарлари туман прокурорлари томонидан қонунбузилишларга йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилган.

Прокуратура идоралари томонидан 2000 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш мавсуми бошланганидан буён ўтказилган текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида ваколатли мансабдор шахслар ва идораларга 1 та протест, 130 та тақдимнома ва 343 та амрнома киритилган. 1289 нафар мансабдор шахс қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилган, 88 ходим интизомий, 158 шахс маъмурий ва 22 шахс моддий жавобгарликка тортилган, 15970 сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган, айбдор шахслардан 108,2 минг сўмлик зарарни ундириш тўғрисида судларга 27 та даъво аризаси киритилган, 27 та жиноят иши қўзғатилган.

Айбдор шахслардан 19625 килограмм буғдой дони олиб қўйилиб, тайёрлов корхоналарига топширилган.

**Ҳ. МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**

